

«...» :... 2403 [3693] ...

:... «...» :... «...» :... «...» :... «...» :...

1. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Уйда таҳорат олиб, чиқдим-да, «Бугун Расул соллаллоху алайҳи васалламдан ажралмайман, у зот билан бирга бўламан» деб аҳд қилдим. Масжидга бориб, Набий соллаллоху алайҳи васалламни сўрасам, у зот чиқиб кетганларини, анави томонга кетганларини айтишди. Ортларидан чиқиб, у зотни сўрасам, Арийс қудуғи (жойлашган чорбоғ)га кирган эканлар. Эшикнинг олдида ўтириб олдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қазои ҳожат қилиб, таҳорат олдилар. Туриб, ёнларига борсам, Арийс қудуғининг лабига ўтириб, болдирларини очиб, уларни қудуққа осилтириб олган эканлар. У зотга салом бериб, кейин қайтиб бориб, эшикнинг олдида ўтирдим. «Бугун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг эшикбонлари бўламан», дедим.

Бир пайт Абу Бакр келиб, эшикни итарди. «Ким бу?» дедим. «Абу Бакр», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр экан. Изн сўраяпти», дедим. У зот: **«Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини бер»**, дедилар. Қайтиб бориб, Абу Бакрга «Кир, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сенга жаннат хушхабарини беряптилар», дедим. Абу Бакр кириб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўнг томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга ўхшаб, болдирини очиб, оёқларини қудуққа осилтириб олди. Кейин мен қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим.

(Уйда) таҳорат олаётган укамни қолдириб келган эдим, у ортимдан келиши керак эди. «Аллоҳ фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим. Шу пайт бир инсон эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Умар ибн Хаттоб», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга салом бериб, «Умар экан. Изн сўраяпти», дедим. У зот: **«Унга изн бергин-да, жаннат хушхабарини бер»**, дедилар. Келиб, Умарга: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам изн бериб, сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кириб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг чап томонларига, қудуқнинг лабига ўтириб, оёқларини қудуққа осилтириб олди. Қайтиб бориб, (жойимга) ўтирдим. «Аллоҳ

фалончига - яъни укамга - яхшилик ирода қилган бўлса, уни келтиради», дедим.

Шу пайт бир инсон келиб, эшикни қимирлатди. «Ким бу?» десам, «Усмон ибн Аффон», деди. «Шошмай тур» дедим-да, бориб, у ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бердим. У зот: **«Унга изн бергин-да, унга етадиган мусибат билан бирга жаннат хушхабарини бер»**, дедилар. Келиб, «Кир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга етадиган мусибат билан бирга сенга жаннат хушхабарини бердилар», дедим. У кирса, қудуқнинг лаби тўлиб қолган экан. Шунда у уларнинг рўпараларига - бошқа томонга ўтирди.

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени эшикка қараб туришни буюрдилар. Усмонга жаннат хушхабари берганларида, Аллоҳга ҳамд айтиб, сўнгра «Аллоҳ ўзи мададкор», деб айтганини» зиёда қилинди.

Манба: hadis.islom.uz

